

**«Тасдиқланган»**  
Акциядорлар Умумий  
Йиғилишининг

2014 йил 23 май 2 – сонли  
баённомаси

Банк Кенгаши Раиси



X.M. Мирзахидов

**«Рўйхатга олинган»**


Ўзбекистон Республикаси

Марказий банки

2014 йил «27» июнь

48 – сон

Раиснинг биринчи ўринбосари



У.М. Мустафоев

**АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «АЛОҚАБАНК»**  
**УСТАВИ**  
(Янги таҳрирда)

Тошкент – 2014 й

**АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «АЛОҚАБАНК»**

**У С Т А В И**

*(янги тахрирда)*

**МУНДАРИЖА**

<b>I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР .....</b>	<b>3</b>
<b>II. БАНК ОПЕРАЦИЯЛАРИ .....</b>	<b>4</b>
<b>III. БАНК УСТАВ КАПИТАЛИ ВА БОШҚА МАБЛАҒЛАРИ .....</b>	<b>6</b>
<b>IV. БАНКНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.....</b>	<b>7</b>
<b>V. БАНК ҲИСОБОТЛАРИНИ ТУЗИШ ВА ДАРОМАДИНИ ТАҚСИМЛАШ.....</b>	<b>9</b>
<b>VI. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ.....</b>	<b>10</b>
<b>VII. БАНК БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ .....</b>	<b>12</b>
<b>VIII. БАНКНИНГ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛМАЛАРИ ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ .....</b>	<b>22</b>
<b>IX. БАНК ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ .....</b>	<b>22</b>
<b>X. БАНК УСТАВИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ..</b>	<b>24</b>

Акциядорлик тижорат «Алоқабанк» Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ва Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш, реконструкция қилиш ва уларнинг иш сифатини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига асосан телекоммуникация тармоғини модернизация қилиш ва ривожлантиришни маблағ билан қўллаб-қувватлашни таъминлаш мақсадида ташкил қилинган.

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Акциядорлик тижорат «Алоқабанк» унинг муассислари ўртасида имзоланган 1994 йил 30 декабрдаги таъсис шартномасига кўра ташкил қилинган бўлиб, у ташкилий-ҳуқуқий шаклига кўра акциядорлик жамиятидир.

2. Банкнинг номи:

давлат тилида:

кирил ёзуви асосида – Акциядорлик тижорат «Алоқабанк»,  
қисқартирилган ҳолда - АТ «Алоқабанк»;

лотин ёзуви асосида – Aksiyadorlik tijorat «Aloqabank»,  
қисқартирилган ҳолда - АТ «Aloqabank»;

рус тилида: Акционерно-коммерческий «Алоқабанк»,  
қисқартирилган ҳолда - АК «Алоқабанк»;

инглиз тилида: Joint-stock commercial «Aloqabank»,  
қисқартирилган ҳолда - JSC «Aloqabank».

3. АТ «Алоқабанк» (кейинги ўринларда «Банк» деб аталувчи) ўз фаолиятини «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларига ва бошқа қонун ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларига ва мазкур Уставга риоя қилган ҳолда амалга оширади.

4. Банкнинг фаолият муддати чегараланмаган ҳолда ташкил этилган бўлиб, у юридик шахс ҳисобланади ва ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мол-мулки билан жавобгар бўлади. Банк, қонун ҳужжатларига мувофиқ, мулкий ва номулкий ҳуқуқларни амалга оширади, мажбуриятларни қабул қилади ва ижро қилади, хўжалик, фуқаролик ва ҳакамлик судларида даъвогар ҳамда жавобгар бўлиб иштирок этади.

5. Банк ўзининг филиаллари билан биргаликда ягона юридик шахс бўлиб, у мустақил балансда ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкга

эга. Банк давлатнинг мажбуриятлари бўйича, давлат эса банкнинг мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Банк ўз филиалларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар ҳисобланади.

Акциядорлар банкнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

6. Банк ўзининг номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга бўлади. Банк ва унинг таркибий тузилмалари муҳрларида банкнинг номи давлат тилига қўшимча равишда рус ёки инглиз тилида кўрсатилиши мумкин. Банк ўз номидан фойдаланишда мутлақ ҳуқуқга эга.

Банк ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлади.

7. Банкнинг жойлашган жойи ва почта манзили: 100047, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темура шохкўчаси, 4-уй.

Банкнинг электрон почта манзили: [info@aloqabank.uz](mailto:info@aloqabank.uz)

## **II. БАНК ОПЕРАЦИЯЛАРИ**

8. Банк ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан берилган лицензияларга амал қилган ҳолда юридик ва жисмоний шахслардан омонатлар қабул қилиш, қабул қилинган маблағлардан таваккалчилик асосида кредит ёки инвестициялаш учун фойдаланиб, улар бўйича тўловлар ва бошқа банк хизматларини тижорат асосида амалга оширади.

9. Банк қуйидаги банк операцияларини амалга оширади:

- а) жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан вакил банкларнинг ҳисобварағларини очиш ва юритиш, ҳисобварақлар бўйича ҳисоб-китоб қилиш;
- б) юридик ва жисмоний шахсларни маблағларини депозит ва омонатларга жалб этиш;
- в) қайтаришлилик, фоизлилик ва муддатлилик шарти билан ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлар ҳисобидан кредитлар бериш;
- г) маблағ эгаси ёки маблағни тасарруф этувчи билан тузилган шартномага биноан пул маблағларини бошқариш;
- д) чет эл валютасини нақд пул ва нақд бўлмаган пул шаклларида юридик ҳамда жисмоний шахслардан сотиб олиш ва уларга сотиш;
- е) пул маблағлари, векселлар, тўлов ва ҳисоб-китоб ҳужжатларини инкассо қилиш;
- ж) учинчи шахслар номидан мажбуриятларнинг бажарилишини назарда тутувчи кафолатлар бериш,

- з) учинчи шахслардан мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқини олиш;
- и) қимматли қоғозлар чиқариш, харид қилиш, сотиш, ҳисобини юритиш ва уларни сақлаш, миждоз билан тузилган шартномага биноан қимматли қоғозларни бошқариш, қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси, инвестиция консультантчиси, инвестиция активларини бошқарувчиси сифатида иштирок этиш ва бошқа операцияларни амалга ошириш;
- к) банк фаолияти, ҳисоб-китобларни амалга ошириш, инвестиция фаолияти ва тижоратнинг бошқа соҳалари юзасидан маслаҳат ҳамда ахборот хизмати кўрсатиш;
- л) жисмоний ва юридик шахсларга ҳужжатлар ва бошқа бойликларни сақлаш учун махсус бинолар ёки улар ичидаги пўлат сандиқларни ижарага бериш;
- м) молиявий лизинг ва факторинг операцияларини амалга ошириш;
- н) инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш;
- о) жисмоний шахсларга истеъмол, ипотека ва бошқа турдаги кредитлар ажратиш;
- п) тадбиркорлик субъектларини кредитлаш, жумладан, микрокредит ва микролизинг хизматларини кўрсатиш;
- р) ҳалқаро банк амалиётига мувофиқ, лицензияда махсус кўрсатилган бошқа операциялар.

Банк амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа банк операциялари билан ҳам шуғулланиши мумкин. Банк бевосита ишлаб чиқариш, савдо ва суғурта фаолияти билан шуғулланишга ҳақли эмас, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

10. Банк амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ лойиҳаларни давлат бюджети маблағлари ва бошқа марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобидан молиялаштириши мумкин.

11. Банк ўз операцияларини амалга ошириш ва пул маблағларини сақлаш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида, резидент ва норезидент банкларида сўмда ва чет эл валютасида вакиллик ҳисобварақлар очади.

12. Банк ўз маблағларидан, юридик ва жисмоний шахсларнинг барча шаклдаги ҳисобварақларидаги маблағларидан, бошқа банклардан жалб қилинган депозитлар ва кредитлардан, амалиёт (операция) йили давомида тақсимланмаган фойдадан кредитлаш, инвестициялаш ва банклараро депозитлар ресурслари сифатида фойдаланиши мумкин.

### III. БАНК УСТАВ КАПИТАЛИ ВА БОШҚА МАБЛАҒЛАРИ

13. Банк Устав капитали фақат муассислар ва акциядорларнинг пул маблағларидан таркиб топади. Кредитга, гаровга олинган ва бошқа жалб қилинган маблағларлардан банк Устав капиталини шакллантиришга йўл қўйилмайди.

14. Ўзбекистон Республикаси норезидентлари, эллик фоиздан ортиқ акциялари (иштирокчилик бадаллари) Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг эгалигида, фойдаланувида ва (ёки) тасарруфида бўлган Ўзбекистон Республикаси резидентлари-юридик шахслар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки рухсати билан банк акцияларини сотиб олишлари мумкин. Оффшор зоналарда рўйхатга олинган норезидентлар банк акцияларини сотиб олишлари мумкин эмас.

15. Банк томонидан чиқарилган акцияларни жойлаштириш амалдаги қонун ҳужжатларига ҳамда акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга мувофиқ амалга оширилади. Қўшимча чиқарилган акцияларга ҳақ тўлаш акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланганидан кам бўлмаган нарх бўйича амалга оширилади. Қўшимча чиқарилган акциялар учун ҳақ тўлаш фақат пул маблағлари билан амалга оширилади. Қўшимча чиқарилаётган акциялар биржа бозорида ва уюшган биржадан ташқари бозорларда жойлаштирилганда битимлар ушбу савдо ташкилотчисининг савдо қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

Айирбошлаш йўли билан жойлаштирилаётган акциялар ёпиқ обуна орқали амалга оширилади.

16. Банкнинг устав капитали акциядорлар олган банк акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади. Барча турдаги банк акцияларининг номинал қиймати бир хил бўлиб, бир юз сўмни ташкил қилади.

17. Банк Устав капитали 90 000 000 000 (тўқсон миллиард) сўмни ташкил этиб, қуйидаги акцияларга тақсимланган:

- а) эгасининг номи ёзилган оддий акциялар – 882 000 000 (саккиз юз саксон икки миллион) дона, номинал қиймати бўйича жами суммаси 88 200 000 000 (саксон саккиз миллиард икки юз миллион) сўм;
- б) эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар – 18 000 000 (ўн саккиз миллион) дона, номинал қиймати бўйича жами суммаси 1 800 000 000 (бир миллиард саккиз юз миллион) сўм.

18. Устав капиталини ошириш мақсадида банк чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялар сони 400 000 000 (тўрт юз миллион) донани ташкил этади, шу жумладан:

- а) эгасининг номи ёзилган оддий акциялар сони - 392 000 000 (уч юз тўқсон икки миллион) дона;
- б) эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар сони - 8 000 000 (саккиз миллион) дона.

19. Банк маблағлари Устав капитали, қўшимча капитал, тақсимланмаган фойда, соф фойда, захира, суғурта ва бошқа фондлардан ташкил топади.

20. Молия-хўжалик фаолиятини ташкил қилиш ва амалга ошириш мақсадида банк томонидан захира фонди ва бошқа фондлар шакллантирилиши мумкин.

21. Захира фонди банк Устав капиталининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда ҳар йили соф фойдадан ажратиладиган маблағлар ҳисобига шакллантирилиб борилади. Захира фондига ҳар йиллик ажратма миқдори соф фойданинг камида беш фоизини ташкил этади.

Банкнинг захира фонди бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, кўрилган зарарни қоплаш, банк облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва банкнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.

Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

22. Захира фонди ва бошқа фондлар соф фойда ҳисобидан банк акциядорлари умумий йиғилиши қарори асосида шакллантирилади.

23. Банк фондларига ажратиладиган маблағлар миқдори акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

#### **IV. БАНКНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

24. Банк ўз фаолиятини амалга оширишда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- а) Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахслари, норезидент юридик ва жисмоний шахслар, халқаро молия ташкилотлари билан банк фаолиятига доир масалалар бўйича музокаралар юритиш, ҳамкорлик ўрнатиш, ўз номидан қонун билан чекланмаган битимлар тузиш;
- б) банк операциялари бўйича воситачилик ҳақи ва фоиз ставкалари миқдорини мустақил белгилаш;
- в) кредитлаш, унинг янги шакллари (шу жумладан; лизинг, факторинг) ва услубларини мустақил белгилаш, бланкли кредитлар (ишончли кредитлар) ажратиш;
- г) юридик ва жисмоний шахсларга кредит ажратишда уларнинг тўловга қобилиятини, молиявий ҳолатини аниқлаш учун тегишли ҳужжатлар талаб қилиш ва кредит таъминоти сифатида амалдаги қонун ҳужжатлари асосида мол-мулк гаровини талаб қилиш;
- д) ўз маблағлари ёки жалб қилинган маблағлар ҳисобига банк томонидан молиялаштирилган объектларни қуришда, техник қайта жиҳозлашда лойиҳа ҳужжатларини тегишли экспертизадан ўтказилишини талаб қилиш;

қарздор томонидан, кредит шартномасининг кўрсатилган мақсадга кўра ишлатиш шартларини, кредит суммасини қайтариш муддатини, кредит бўйича фоизларни тўлаш муддатини, кредит суммаси ва фоизларини қайтариш муддати

- е) кечикканда, кредит беришни тўхтатиш, қарздордан кредит суммасини ва тегишли фоизларни муддатидан олдин қайтаришни талаб қилиш;
- ж) корхона ва жисмоний шахсларни банкрот деб эълон қилиш тўғрисидаги ишлар юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳўжалик ва фуқаролик судларига ариза билан муружаат этиш;
- з) шартномавий мажбуриятларини бажармаётган мижозлар ва шартномавий контрагентларга нисбатан жарима қўллаш ва келтирилган зарарни қоплашни талаб қилиш;
- и) банкни бошқаришнинг ўз ички тизимини белгилаш ва зарур бўлган ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш;
- к) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, банк ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш шакли, тизими, тартиби ва иш ҳақи миқдорларини мустақил равишда белгилаш;
- л) барча солиқ ва мажбурий тўловлар тўлангандан кейин банк тасарруфида қолган соф фойда ҳисобидан захира ва бошқа жамғармалар ташкил этиш;
- м) тўлов ҳужжати функциясини бажарувчи қимматли қоғозларни, пул маблағларини омонатларга ва банк ҳисобварақларига жалб қилинганлигини тасдиқловчи қимматли қоғозларни чиқариш, харид қилиш, сотиш, ҳисобга олиш, сақлаш ва улар билан бошқа операцияларни амалга ошириш, шунингдек қимматли қоғозларни ишончли бошқариш, ютуқли омонотлар эълон қилиб уларнинг шартини бўйича тадбирларни ўтказиш;
- н) банк мижозларининг валюта операциялари устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда назоратни амалга ошириш;
- о) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда филиаллар ва шўъба корхоналар ташкил этиш, республика ташқарисида эса, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг рухсати билан шўъба банклари, корхоналар, филиаллар ва ваколатхоналар очиш;
- п) ташкил этилган ҳисоб маркази ва вакиллик ҳисобварақаларида ҳисобларни амалга ошириш;
- р) хайрия ишларини амалга ошириш;
- с) лицензияда ва ушбу Уставда назарда тутилган, ўз молия-ҳўжалик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа ҳатти-ҳаракатлар ва операцияларни амалга ошириш.

25. Банк қўйидаги мажбуриятларга эга:

- а) ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқ амалга ошириш;



- б) банкка топширилган пул маблағлари ҳамда бошқа қимматликларнинг бутлигини таъминлаш, зиммасига олган мажбуриятларни ўз вақтида бажариш;
- в) банк барқарорлигини таъминлаш ҳамда омонатчилар ва кредиторларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Марказий банк томонидан белгиланган иқтисодий нормативларга риоя этиш;
- г) қонун ҳужжатларига мувофиқ банк сирини ёки бошқа сирни ташкил этадиган маълумотларнинг ошкор этилмаслигини таъминлаш;
- д) белгиланган тартибда статистик, молиявий ва бухгалтерия ҳисоботларини юритиш ва тақдим қилиш;
- е) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатилган тартибда шубҳали ва умидсиз деб таснифланган активлар бўйича уларнинг реал ҳолатини баҳолаш мақсадида захира жамғармалари ташкил этиш;
- ж) ўтказилаётган операцияларнинг ҳажми ва характерига мос ишончлиликнинг юқори даражасини таъминловчи ички назоратни ташкил қилиш.
- з) банк ички аудит хизматини ташкил этиш;
- и) ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ошкор этиш;
- к) амалдаги қонун ҳужжатларидан келиб чиққан ҳолда бошқа мажбуриятларни ҳам бажариш.

## **V. БАНК ҲИСОБОТЛАРИНИ ТУЗИШ ВА ДАРОМАДИНИ ТАҚСИМЛАШ**

26. Банк Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ва халқаро стандартларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатилган тартибда бухгалтерия ҳисоботини юритади ва молиявий ҳисобот тақдим этади.

27. Банкнинг молиявий йил ҳисоботлари ўрнатилган тартибда мустақил аудитор хулосаси асосида оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

28. Банкнинг акциядорлар умумий йиғилишига тақдим этадиган йиллик ҳисоботидаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисобварағидаги маълумотларнинг тўғри эканлиги банкнинг Тафтиш комиссияси томонидан тасдиқланиши лозим.

29. Банкнинг молиявий йили 1 январдан бошланиб 31 декабрда тугайди.

30. Банкнинг соф даромади унинг тасарруфида қолади ҳамда акциядорлар умумий йиғилишининг қарори бўйича банкнинг захира ва бошқа фондларини шакллантиришда фойдаланилади, акциядорлар ўртасида дивидендлар кўринишида тақсимланади ва амалдаги қонун

ҳужжатларига мувофиқ ва ушбу Уставда кўзда тутилган мақсадларга йўналтирилади.

31. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар (йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойлиги, йиллиги бўйича) тўлаш, дивиденднинг миқдори ҳамда уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор банк Кенгашининг тавсияси асосида акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори банк Кенгаши тавсия этган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.

32. Акциядорларга дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган банк акциядорларининг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган банк акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

33. Эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар эгалари банк фойда кўриш-кўрмаслигидан қатъий назар акциянинг номинал қийматига нисбатан камида 60 фоиз миқдорида имтиёзли тарзда дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

34. Банк қуйидаги ҳолларда акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда дивидендлар тўлашга ҳақли эмас:

- а) банк устав капиталининг ҳаммаси унинг таъсис этилиши чоғида тўлиқ тўлаб бўлингунига қадар;
- б) агар дивидендлар тўланадиган пайтда банкда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки банкда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;
- в) банк соф активлари қиймати унинг устав капитали ва захира фонди суммасидан кам бўлса;
- г) Марказий банк томонидан белгиланган иқтисодий нормативларни бузиш, шунингдек агар дивидендлар тўлаш натижасида иқтисодий нормативлар бузилиб, бунинг оқибатида омонатчилар ва кредиторлар манфаатларига жиддий хавф туғилиши мумкин бўлса;
- д) банкка нисбатан Марказий банкнинг дивидендлар тўлашни тўхтатиш тўғрисида талаби мавжуд бўлса.

## **VI. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ**

35. Банк акциядорлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- а) акциядорлар реестрига киритилиш ва ўзи ҳақида депозитарийдаги депо ҳисобварағидан кўчирма олиш;
- б) банк фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш ва уни эркин тасарруф этиш;
- в) акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш орқали банкни бошқаришда иштирок этиш;
- г) банкнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;

- д) қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- е) ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;
- ж) қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш ва (ёки) фойданинг бир қисмини йўқотиш эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликни суғурталаш;
- з) акциядорларнинг умумий йиғилишида ўз вакили орқали иштирок этиш, ўз вакилини исталган вақтда алмаштириш ёки унда шахсан иштирок этиш;
- и) банк тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мос равишда мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- к) ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш.

Акциядорлар ушбу Уставда назарда тутилган ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўладилар.

36. Банкнинг ҳар бир оддий акцияси унинг эгаси бўлмиш акциядорга бир хил ҳуқуқлар беради. Оддий акцияларнинг эгалари акциядорлар умумий йиғилишида мазкур йиғилиш ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиши мумкин.

37. Банкнинг барча акциялари эгасининг номи ёзилган акциялардир. Акциядорлар умумий йиғилишида оддий акциялар эгалари овоз бериш ҳуқуқига эга.

38. Банкнинг имтиёзли акцияларининг эгалари бўлмиш акциядорлар, умумий йиғилишда қуйидаги масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқига эга бўладилар:

- а) банкни тугатиш, қайта ташкил этиш (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш) тўғрисидаги масалалар кўрилганда;
- б) имтиёзли акциялар бўйича тўланадиган дивидендлар миқдорини камайтириш масалалари кўрилганда.

39. Банкнинг имтиёзли акциялари уларнинг эгалари бўлган акциядорга бир хил ҳажмда ҳуқуқлар беради ва оддий акциялар билан бир хил номинал қийматга эга бўлади. Имтиёзли акция эгалари банкни тугатиш пайтида номинал қийматга нисбатан ушбу Уставда белгилаб қўйилган дивидендлар фоизини ва улуш қилиб қўйилган маблағларини номинал қийматидан кам бўлмаган миқдорда тугатилиш қийматида олиш ҳуқуқига эга.

## **VII. БАНК БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ**

40. Акциядорлар умумий йиғилиши, банк Кенгаши ва банк Бошқаруви банкнинг Бошқарув органлари ҳисобланади.

### **Акциядорлар умумий йиғилиши**

41. Акциядорларнинг умумий йиғилиши (кейинги ўринларда «Умумий йиғилиш», деб аталади) банкни бошқаришнинг юқори органи ҳисобланади. Умумий йиғилиш навбатдаги ва навбатдан ташқари тартибда ўтказилиши мумкин. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлар навбатдан ташқари умумий йиғилишлар ҳисобланади.

42. Йиллик умумий йиғилишлар ҳар молия йили тугагандан кейин олти ойдан кеч бўлмаган муддатда ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик ҳисобот йиғилишида мажбурий тартибда банкнинг йиллик ҳисоботлари, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботи, фойда ва зарарларни тақсимлаш ҳамда банк Кенгаши киритган бошқа масалалар кўриб чиқилади. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана ва уни ўтказиш тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, овоз бериш бюллетенларининг шакли ва матни, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материаллар (ахборотлар) рўйхатини банк Кенгаши белгилайди.

43. Навбатдан ташқари йиғилишлар банк Кенгаши қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, банк Тафтиш комиссиясининг ёзма талаби, шунингдек ёзма талаб тақдим этилган санада банк овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эга бўлган акциядорнинг (акциядорларнинг) талаби бўйича ўтказилади.

44. Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилмаган масалаларни кўриб чиқишга ҳақли эмас.

45. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан уч иш куни олдин шакллантирилган банк акциядорлари реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

46. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида етти кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин банкнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

47. Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорлари, шунингдек овоз бериш яқунлари тўғрисида ахборот умумий йиғилиш ёпилгандан сўнг маълум қилинади ҳамда қарор қабул қилинган санадан эътиборан

Ўттиз кундан кечиктирмай оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинади.

48. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатларига қуйидагилар киради:

- а) банк Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки банкнинг янги тахрирдаги Уставини тасдиқлаш;
- б) банкни қайта ташкил этиш ёки тугатиш, тугатувчини тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- в) банк Кенгашининг ваколатига кирадиган масалаларга доир, шу жумладан, банкни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишига доир ҳисоботларини эшитиш;
- г) банк Кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш ва аъзоларини сайлаш, уларнинг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш;
- д) эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
- е) банкнинг Устав капиталини кўпайтириш;
- ж) банкнинг Устав капиталини камайтириш;
- з) ўз акцияларини олиш;
- и) банкнинг Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан олдин тўхтатиш;
- к) банкнинг ташқи аудиторини тасдиқлаш ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш;
- л) йиллик ҳисоботларини, бухгалтерия балансларини, фойда ва зарарлари ҳисобварағини тасдиқлаш, унинг фойда ва зарарларини тақсимлаш;
- м) банк Бошқаруви Раиси билан тузилган меҳнат шартномасининг амал қилиш муддатини узайтириш (шартномани қайта тузиш ёки уни тугатиш (бекор қилиш));
- н) Банк акцияларини ва акцияларга айирбошланадиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни сотиб олишда акциядорнинг имтиёзли ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисида қарор қабул қилиш;
- о) банк акциядорлари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш;
- п) акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;
- р) банкнинг кредит бериш, активлар ва пассивларни бошқариш, инвестицияларни амалга ошириш ва банк мижозларига янги турдаги хизматлар кўрсатиш соҳасидаги сиёсатлари асосий йўналишларини белгилаш;
- с) банк акциядорлари умумий йиғилиши, банк Кенгаши, банк Бошқаруви ва Тафтиш комиссияси тўғрисидаги Низомларни тасдиқлаш;
- т) қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда тузилишидан манфаатдорлик бўлган битимлар тузиш;

- у) битим тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санада банк соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан ортиғини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш;
- ф) Баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада банк соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан эллик фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор банк кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинмаган ҳолда банк Кенгаши қарорига мувофиқ умумий йиғилиш ҳукмига ҳавола этилса;
- х) амалдаги қонун ҳужжатларида ва ушбу Уставда назарда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

49. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига киритилган масалаларни ҳал қилиш банк Бошқарувига берилиши мумкин эмас.

50. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига киритилган масалаларни ҳал қилиш банк Кенгашига берилиши мумкин эмас, қуйидагилар бундан мустасно:

- а) банкнинг устав капиталини акцияларнинг номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтириш ва банкнинг уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш;
- б) банкнинг устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш ва банк уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш;
- в) акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;
- г) банк томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- д) ҳосилавий қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- е) банкнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;
- ж) банк Бошқарувига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсациялар миқдорларини белгилаш;
- з) банк Бошқаруви аъзоларини тайинлаш;
- и) Банкнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш.

51. Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этувчиларни рўйхатга олиш тамом бўлган вақтга келиб, банкнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоиздан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворум тўплаган) ҳисобланади.

52. Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказишда кун тартибига ўзгартиришлар киритишга йўл қўйилмайди.

53. Ўтказилмай қолган йиғилиш ўрнига акциядорларнинг такрорий чақирилган умумий йиғилишида иштирок этувчиларни рўйхатга олиш тугаган пайтга келиб, банкнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларнинг жами қирқ фоиздан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатга олинган бўлса, бу умумий йиғилиш ваколатли ҳисобланади.

54. Акциядорлар умумий йиғилиши ўз фаолиятини, шунингдек кун тартибидаги масалалар юзасидан овоз бериш ва қарорлар қабул қилиш тартиби «АТ «Алоқабанк» акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисида»ги Низоми асосида олиб боради.

### **Банк Кенгаши**

55. Банк Кенгаши банк фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, Акциядорларнинг умумий йиғилишининг ваколатига киритилган масалалар бундан мустасно.

56. Банк Кенгаши тўққиз нафар аъзодан иборат бўлади. Улар ушбу Уставда назарда тутилган тартибда акциядорлар умумий йиғилиши томонидан бир йиллик муддатга сайланадилар. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар банк Кенгаши таркибига сайланган деб ҳисобланади.

Банк Кенгаши аъзоларини сайлаш кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

57. Банк Кенгашининг Раиси Кенгаш аъзолари орасидан кўпчилик овоз билан сайланади. Шу тартибда Кенгаш қарорига кўра Кенгаш Раиси ўринбосари сайланиши мумкин.

58. Банк Бошқаруви Раиси ва Бошқарув аъзолари банк Кенгашига сайланиши мумкин эмас. Банк Кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган марта қайта сайланишлари мумкин.

59. Банк Кенгаши йиғилишида масалаларни ҳал қилишда Кенгашнинг ҳар бир аъзоси бир овозга эга бўлади. Банк Кенгаши йиғилишини ўтказиш учун кворум банк Кенгашига тайинланган аъзолари сонининг камида 75 фоизини ташкил қилиш керак.

Кенгашнинг бир аъзоси ўз овозини Кенгашнинг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

60. Банк Кенгаши йиғилиши Кенгаш Раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Банк Кенгашининг аъзолари, Тафтиш комиссияси, Банк Бошқаруви, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, банк ички аудит хизмати раҳбари, банкнинг ташқи аудитори ва қонун

ҳужжатларида белгиланган бошқа шахсларнинг талаби билан чақирилади.

61. Банк Кенгаши қуйидаги масалалар юзасидан қарорлар қабул қилишда ваколатларга эга:

- а) банк фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- б) банк акциядорларининг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;
- в) акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;
- г) акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун банк акциядорлари реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
- д) банк Уставига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ёки банкнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш учун акциядорларнинг умумий йиғилишига киритиш;
- е) аудиторлик текшируви ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва уни хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш масаласини умумий йиғилиш кун тартибига киритиш;
- ж) мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
- з) банкнинг йиллик бизнес режасини тасдиқлаш;
- и) корпоратив маслаҳатчини тайинлаш;
- к) банкнинг ички аудити хизматини ташкил этиш, ходимларини тайинлаш, ички аудит хизмати билан боғлиқ меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш;
- л) банк Бошқаруви фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатдан эркин фойдаланиш ва банк Бошқарувидан банк кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун уларни олиш. Олинган ҳужжатлардан банк Кенгаши ва унинг аъзолари фақат хизмат мақсадларида фойдаланишлари мумкин;
- м) бошқарув аъзоларига тўланадиган мукофотлар ва компенсациялар миқдорини белгилаш;
- н) банк Тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсация миқдори юзасидан тавсиялар бериш;
- о) акциялар бўйича дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
- п) банкнинг захира ва бошқа фондларидан фойдаланиш бўйича қарор қабул қилиш;
- р) банк Бошқаруви фаолияти тартибини белгиловчи ҳужжатларни тасдиқлаш;
- с) банк филиалларини ва ваколатхоналарини, шуъба корхоналарини ташкил этиш, тугатиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;



- т) Баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада банк соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан эллик фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор банк кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинмаган ҳолда банк Кенгаши қарорига мувофиқ умумий йиғилиш ҳукмига ҳавола этиш;
- у) тузилишидан манфаатдорлик бўлган битимлар тузиш;
- ф) банкнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимлар юзасидан қарорлар қабул қилиш;
- х) бошқарув ва банкнинг ҳудудий бошқармалари ва бўлинмалари раҳбарлари билан биргаликда банкни самарали бошқаришни ташкил этиш, амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ кредит бериш ва уларнинг ўз вақтида қайтарилиши учун жавоб бериш;
- ц) бошқарув Раиси тақдимномаси асосида банк Бошқаруви аъзоларини тасдиқлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари бекор қилиш;
- ч) амалдаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш;
- ш) йиллик ҳисоботларни, фойда ва зарарлар ҳисобварағини кўриб чиқади ва тасдиқлаш учун акциядорлар умумий йиғилишига киритиш;
- щ) ҳар чорақда банк Бошқаруви Раисининг ҳамда ички аудити хизмати раҳбарининг банк фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш;
- ы) банк номидан Бошқарув Раиси билан меҳнат шартномасини тузиш ва унинг ваколати муддатидан илгари тугатилган тақдирда акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишигача бўлган даврда вақтинча унинг вазифасини бажариб турувчи шахсни белгилаш;
- э) акциядор (акциядорлар) киритган масала акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига, шунингдек кўрсатилган номзодлар банк Кенгаши, миноритар акциядорлар қўмитаси ва Тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) сайлов юзасидан овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритиш;
- ю) банкнинг устав капиталини акцияларнинг номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтириш ва банкнинг уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш;
- я) банкнинг устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш ва банкнинг уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш;
- ў) акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

банк томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш

- қ) тўғрисида қарор қабул қилиш;
- ғ) ҳосилавий қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- ҳ) банкнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;
- ё) мазкур Устав ва амалдаги қонунларга биноан Кенгаш ваколатига киритилган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

Банк Кенгашининг ваколатига киритилган масалаларни ҳал қилиш банк Бошқарувида берилиши мумкин эмас.

62. Қуйидагилар банк Кенгашининг мажбуриятлари ҳисобланади:

- а) ўз ваколатларини банк акциядорлари манфаатларини кўзлаб амалга ошириш;
- б) банкка оқилона раҳбарлик қилишни таъминлаш;
- в) банк фаолияти, кредитлар бериш ва маблағларни инвестицияга йўналтиришлигини (омонатчилар, кредиторлар ва акциядорлар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида) тўғрилиги устидан назоратни амалга ошириш;
- г) банкнинг мутаносиб равишда сармояланишини қўллаб қувватлаш;
- д) банк фаолияти стратегиясини шакллантириш;
- е) банкни ривожлантириш бўйича қабул қилинган бизнес-режалар ижросини назорат қилиш;
- ж) банк фойдасини мониторинг қилиб бориш;
- з) ички аудит хизмати фаолиятини ташкил этиш.

63. Банк Кенгаши Раиси унинг ишини ташкил этади, Кенгаш мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорлар умумий йиғилишида раислик қилади.

Банк Кенгашининг Раиси йўқлигида унинг вазифасини Кенгаш Раиси ўринбосари бажариб туради.

64. Банк Кенгаши аъзолари банк фаолиятига доир қарорлар қабул қилишда ўзларини холисликда тутишлари шарт. Улар ўзларига берилган имкониятлардан ушбу Устав қоидаларига зид ёки банк мулкӣ ёки номулкий манфаатларига зид равишда фойдаланишлари тақиқланади. Банк Кенгашининг вазифалари, иш фаолиятини ташкил қилиш, қарор қабул қилишда овоз бериш тартиби «Банк Кенгаши тўғрисидаги» Низомда белгилаб қўйилади.

### **Банк Бошқаруви**

65. Банкнинг жорий фаолиятига раҳбарлик коллегиял ижроия органи банк Бошқаруви томонидан амалга оширилади.

66. Банк Бошқаруви вазифалари қуйидагилардан иборат:

банк фаолиятини ташкил этиш ва унга тезкор раҳбарликни амалга ошириш, Банк Уставидаги мақсадлар ва вазифаларни

- а) бажарилишини таъминлаш;
- б) банк мижозларига кўрсатилган хизматлар бўйича фоиз ставкаларини ва воситачилик ҳақи миқдорини ишлаб чиқиш ва белгилаш;
- в) банк томонидан Марказий банк белгиланган иқтисодий нормативларга, Марказий банкда мажбурий захираларни шакллантириш юзасидан талабларга риоя қилинишини таъминлаш;
- г) банкнинг сармояси ва ликвидли ресурслари етарли даражада бўлишини, шубҳали ва бекор турган активларга қарши уларни классификация қилиш асосида захиралар яратилишини таъминлаш, зарарлар миқдорини камайтириш мақсадида Банк активлари турларини кўпайтириш;
- д) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳалқаро стандартларга мувофиқ банк бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритилишини ташкил этиш;
- е) банкнинг шуъба корхоналари, минтақавий филиаллар, туман филиаллари ва бошқа таркибий тузилмаларига раҳбарлик қилиш, улар фаолиятини барча йўналишлар бўйича назорат қилиш, банк учун кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишларини ташкил қилиш;
- ж) банк акциядорлари умумий йиғилиши ва Кенгашининг қарорларини бажарилишини таъминлаш;
- з) банк акциядорлари ва Кенгашининг биринчи талаби бўйича молиявий ҳисоботни ва банк фаолияти тўғрисидаги бошқа ахборотларни тақдим этиш;
- и) банк Кенгаши олдида банк фаолиятининг молиявий натижалари учун белгиланган тартибда ҳисобот бериш;
- к) ўзининг ваколати доирасида, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тайёрлаш масалаларини ҳал қилиш, банк раҳбар ходимларини номзодларини тасдиқлаш учун банк Кенгашига қўйиш;
- л) банк штат жадвали билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш;
- м) ўзининг ваколат доирасида банкнинг нормал фаолият кўрсатиши учун лозим бўлган мол-мулкни сотиб олиш ёки сотиш масаласини ҳал қилиш.

67. Банк Бошқаруви акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатлари ва банк Кенгаши ваколатларига киритилган масалалардан ташқари барча масалаларни ҳал қилиш ваколатига эга.

68. Банк Бошқаруви Кенгашда кўриб чиқиш учун банкни ривожлантириш стратегияси, банкнинг ташкилий бошқарув тузилмасини такомиллаштириш масалалари, банк Бошқаруви ваколатига тааллуқли бошқа масалалар бўйича таклифлар киритади. Бошқарув банк фаолияти

учун муҳим саналган ҳар қандай масалани Кенгаш муҳокамасига киритиши мумкин.

69. Банк Бошқаруви қуйидаги ҳуқуқларга эга;

- а) ўз ваколат доирасида банк ички меъёрий ҳужжатларни кўриб чиқиш, тасдиқлаш, банк таркибий тузилмалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш, банкнинг барча филиаллари, таркибий тузилмалари ҳамда ходимлари бажариши мажбурий бўлган қарорлар чиқариш;
- б) вазирликлар, идоралар, жамғармалар, жамоат ва тижорат ташкилотлари ва бошқа юридик ва жисмоний шахслар, ҳалқаро ташкилотлар ва уларнинг вакиллари билан, чет эл банклари ва уларнинг вакиллари билан музокаролар юритиш;
- в) банк томонидан ваколат доирасида кредит ажратиш, инвестициялар киритиш ёки жалб қилишга доир битимлар тузади;
- г) банкка кредит қўмитаси, филиаллар кредит комиссиялар ва бошқа ишчи гуруҳлар таркибини шакллантириш билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш;
- д) банкка раҳбар ходимларни танлаш, уларга ва бошқа банк ходимларига малака талаблари ўрнатиш, уларни жой-жойига қўйиш, рағбатлантириш ёки интизомий жазога тортиш юзасидан қарорлар қабул қилиш;
- е) банкнинг захира ва бошқа фондларидан фойдаланиш бўйича қарорлар қабул қилиш.

Банк Бошқарувининг бошқа вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари умумий йиғилиш томонидан тасдиқланадиган «АТ «Алоқабанк» Бошқаруви тўғрисида»ги Низомда белгиланади.

70. Бошқарувга Бошқарув Раиси раҳбарлик қилади. Бошқарув Раиси акциядорлар умумий йиғилиши ва Кенгаш олдида ҳисобот беради ва у банкнинг жорий фаолияти натижалари учун ўз ваколатлари доирасида жавобгардир. Бошқарув Раиси билан меҳнат шартномасини акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига асосан банк номидан банк Кенгаши Раиси бир йил муддатга тузади.

71. Бошқарув Раиси қуйидаги ваколатларга эга:

- а) ўз ваколатлари доирасида банкнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилади;
- б) банк фаолияти устидан назорат олиб боради, фойдали бўлган иқтисодий бошқариш методларини қўллайди, банк ишчи жамоасининг хохиши ва ташаббусини юзага чиқариш учун шароит яратиб беради;

в) ўзига берилган ваколат доирасида, амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда банк мулки ва маблағини

тасарруф этади, банк номидан шартномалар, мажбуриятлар ва ишончномаларга имзо чекади;

г) Ўзбекистон Республикасидаги тижорат ва давлат ташкилотларида ва бошқа давлатларда банк фаолияти масалалари бўйича вакилликни олиб боради;

д) банк номидан ишончномалар беради, шартномалар, мажбуриятлар ва битимларни имзолаш тартибини белгилайди;

е) банкнинг штат жадвалини тасдиқлайди ва унга ўзгартиришлар киритади, банк Бошқаруви аъзолари орасида мажбуриятлар тақсимлайди. Штат жадвали ва тузилган шартномалар асосида банкнинг мансабдор шахсларини тайинлайди ва ишдан бўшатади, ходимлар иш ҳақини белгилайди, ҳамда намунали ишлаган ходимларни тақдирлайди, меҳнат вазифаларини бузганлик учун интизомий жазолар қўллайди, банк ходимлари билан меҳнат шартномасини, қонун ҳужжатларига ва мазкур Уставга мувофиқ тузади;

ж) Бошқарув Раиси ўринбосарлари, тузилма раҳбарлари жавобгарлик меъёрини белгилайди;

з) банк бошқармалари, бўлимлари ва бошқа тузилмалари лавозим йўриқномаларини тасдиқлайди;

и) Бошқарув Раиси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин.

72. Бошқарув Раиси ишончномасиз фаолият юритади. Бошқарув Раисининг ўринбосарлари, Бошқарув аъзолари, бош бухгалтер, филиал бошқарувчилари ва бош ҳисобчилари ҳамда банкнинг марказий идораси ходимлари меҳнат шартномаси банк Бошқарув Раиси билан тузадилар. Банкнинг қолган ходимлари меҳнат шартномасини Бошқарув Раиси ваколат берган мансабдор шахслар (филиал бошқарувчилари, шўъба корхона раҳбарлари) билан тузадилар.

73. Банк Бошқаруви камида етти нафар аъзодан иборат бўлиб, улар Марказий банк билан келишилган ҳолда Бошқарув Раиси тақдимномаси асосида банк Кенгаши қарори билан тасдиқланади. Банк Бошқаруви аъзоларига қоидага кўра Бошқарув Раиси ўринбосарлари, бош бухгалтер ва банк таркибий тузилмалари раҳбарлари киритилиши мумкин.

74. Банк Бошқаруви йиғилиши зарурият бўйича лекин ойига камида бир марта чақирилиши лозим. Бошқарув қарор қабул қилиш учун унинг 60 (олтмиш) фоиз амалдаги аъзолари ҳозир бўлганда ваколатли ҳисобланади. Бошқарув қарорлари кўпчилик овози билан қабул қилинади.

## **VIII. БАНКНИНГ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛМАЛАРИ ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ**

75. Банк амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юридик шахс ҳуқуқини олмаган филиал, шўъбалар ва ваколатхоналарга эга бўлиши мумкин.

76. Банк филиали у турган ердан ташқарида жойлашган ҳамда унинг номидан банкка Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан берилган лицензияда кўрсатилган банк операцияларининг барчаси ёки бир қисмини бажарадиган алоҳида бўлинмасидир.

77. Банкнинг филиал ва ваколатхоналари юридик шахс мақомини олмасдан ўз фаолиятини банк Кенгаши томонидан тасдиқланадиган Низом асосида амалга оширадilar.

78. Филиаллар бошқарувчиси Банк Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишилган ҳолда, банк Бошқаруви томонидан тайинланади. Филиал бошқарувчиси ваколатлари банк Бошқарув Раиси томонидан бериладиган ишончнома, филиал тўғрисидаги Низоми ҳамда банк ички меъёрий ҳужжатларида белгиланади. Бошқарув Раиси банк филиаллари раҳбарлари билан банк номидан меҳнат шартномаси тузади.

79. Банк ва ходим ўртасидаги меҳнат муносабатлари меҳнат шартномалари асосида белгиланган тартибда ташкил қилинади.

80. Банкнинг барча ходимлари ўз вазифаларини виждонан ва сидқидилдан бажаришлари лозим. Улар ўзларига берилган имкониятлардан ушбу Устав қоидаларига зид ёки банк мулкӣ ёки номулкий мафаатларига зид равишда фойдаланиши мумкин эмас.

Банк ходимлари банкдаги меҳнат фаолияти давомида ва банк билан меҳнат шартномасини бекор қилганларидан сўнг банк сири, тижорат сири ва хизмат сирини ташкил этувчи маълумотларни сир сақлашлари шарт.

81. Банк ҳар бир ходимнинг меҳнати учун иш ҳақи банкнинг штат жадвалига мувофиқ ходимнинг банк фаолиятидаги шахсий улушига мувофиқ белгиланади ва максимал миқдори чегараланмайди.

## **IX. БАНК ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

82. Банкнинг молиявий-хўжалик фаолияти назорати банкнинг Тафтиш комиссияси, ички аудит хизмати, ташқи аудиторлик ташкилотлари ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ бошқа ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

83. Банкнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш акциядорлар умумий йиғилиши томонидан уч аъздан иборат этиб бир йил муддатга сайланадиган Тафтиш комиссияси томонидан амалга оширилади.

84. Банк Кенгаши, Бошқаруви аъзолари ёки банкда бирор лавозимда ишлайдиган ходим Тафтиш комиссияси аъзоси бўлиб сайланиши мумкин эмас. Айти бир шахс Тафтиш комиссияси таркибига (тафтишчи бўлиб) кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

Тафтиш комиссияси аъзолари ўзларига юклатилган вазифаларни сидқидилдан ва холисона бажарилиши учун жавобгардир.

Тафтиш комиссия юклатилган вазифаларни бажариш чоғида банкда ишламайдиган шахслар орасидан экспертлар жалб қилиш мумкин.

85. Тафтиш комиссияси банк томонидан банк фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя қилинишини, банк назоратининг ички тизимини, кредит, ҳисоб-китоб, валюта ва банк томонидан бир ҳисобот йили ичида амалга оширилган операцияларни (тўлиқ танланган ҳолда), касса ва мол-мулк ҳолатини текширади.

86. Тафтиш комиссияси банк молия-ҳўжалик фаолитини текширишларини ҳар қандай вақтда ўтказишга ҳамда банк фаолиятига доир ҳар қандай ҳужжатни талаб қилиб олишга ҳақли.

87. Тафтиш комиссиясининг талабига биноан банк Кенгаш аъзолари, банк Бошқарув Раиси, банк Бошқаруви аъзолари, шунингдек банк ходимлари зарур тушунтиришларни оғзаки ва ёзма шаклда тақдим этишлари шарт. Молия-ҳўжалик фаолиятни тафтиш қилиш ёки ўтказиш акциядорлар топшириғи бўйича ҳам амалга оширилиши мумкин.

88. Тафтиш комиссияси ўзи ўтказган тафтишлар натижалари тўғрисида банк Кенгашини хабардор қилади ва уларнинг акциядорлар умумий йиғилишига тақдим этади (зарур ҳолларда камчиликларни бартараф қилиш бўйича таклифларни ҳам бериши мумкин).

89. Тафтиш комиссияси аъзолари банк манфаатларига нисбатан жиддий таҳдид юзага келган ҳолларда Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилиши шарт.

90. Тафтиш комиссиясининг фаолияти, акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган Низом асосида амалга оширилади.

91. Молиявий (бухгалтерия) ҳисоботининг ишончлилигини, унинг молиявий ҳисоботининг халқаро стандартларга мувофиқлигини текшириш ва тасдиқлаш учун банк шартнома асосида қонун ҳужжатларга мувофиқ аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган аудиторлик ташкилотини жалб қилади. Аудиторлик ташкилоти қонун ҳужжатларига, Ушбу Уставга ва банкнинг ички ҳужжатларига мувофиқ аудиторлик ташкилотларини танлаш бўйича танлов якунларига кўра умумий йиғилишга банк Кенгаши томонидан тавсия қилинади.

92. Банк Кенгаши, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган тартибда, банкнинг Бошқарув қарорлари ва

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк талаблари асосида ҳаракат қилувчи ички аудитни шакллантиради. Банк Кенгаши ички аудит Низомини тасдиқлайди.

93. Ички аудит хизмати банк Бошқаруви, ваколатхоналари ва филиаллари томонидан қонун ҳужжатларига, таъсис ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда тўғри акс этирилишини таъминланиши, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек банкни Бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текширади, бу борада мониторинг олиб бориш орқали банк Бошқаруви, ваколатхоналари ва филиаллари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

94. Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки банк фаолиятини назорат қилади. Банк фаолиятини текширишни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва бошқа ташкилотлар ўз ваколати доирасида олиб борадилар.

## **Х. БАНК УСТАВИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ**

95. Банк Уставига киритилган ва банкнинг ваколатли органи томонидан тасдиқланган барча ўзгартириш ва қўшимчалар белгиланган тартибда Марказий банкда рўйхатга олинади.

96. Уставга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар учинчи шахслар учун давлат рўйхатига олинган вақтдан эътиборан кучга эга бўлади.

97. Мазкур Устав рўйхатга олинган вақтдан бошлаб банк акциядорлари умумий йиғилишининг 2009 йил 23 февралдаги 1-сонли қарори билан тасдиқланган (Марказий банк рўйхат рақами 2009 йил 30 мартдаги № 48) янги таҳрирдаги банк Устави ва унга киритилган 2010 йил 15 майдаги ўзгартириш ва қўшимчалар (Марказий банк рўйхат рақами 2010 йил 28 май № 48-3), 2011 йил 14 майдаги ўзгартириш ва қўшимчалар (Марказий банк рўйхат рақами 2011 йил 7 июнь № 48-4), 2012 йил 20 февралдаги ўзгартириш ва қўшимчалар (Марказий банк рўйхат рақами 2012 йил 9 март № 48-5), 2013 йил 25 майдаги ўзгартиришлар (Марказий банк рўйхат рақами 2013 йил 10 июнь № 48-6), ўз кучини йўқотади.



**«Тасдиқланган»**

АТ "Алоқабанк" Кенгаши  
2014 йил 5 августдаги  
йиғилиши  
96 - сонли баённомаси

Банк Кенгаши Раиси




М. Мирзахидов

**«Рўйхатга олинган»**

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки  
2014 йил «18» август  
48-1 - сон

Раиснинг биринчи ўринбосари



У.М. Мустафоев

**АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «АЛОҚАБАНК»  
УСТАВИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР**

Тошкент – 2014 й.

## **АТ «Алоқабанк» Уставига киритилган ўзгартиришлар.**

**1.** Банк Уставининг ўн олтинчи банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

Банкнинг устав капитали акциядорлар олган банк акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади. Барча турдаги банк акцияларининг номинал қиймати бир хил бўлиб, бир юз ўн сўмни ташкил қилади.

**2.** Банк Уставининг ўн еттинчи банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

Банк Устав капитали 99 000 000 000 (тўқсон тўққиз миллиард) сўмни ташкил этиб, қуйидаги акцияларга тақсимланган:

- а) эгасининг номи ёзилган оддий акциялар - 882 000 000 (саккиз юз саксон икки миллион) дона, номинал қиймати бўйича жами суммаси 97 020 000 000 (тўқсон етти миллиард йигирма миллион) сўм;
- б) эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар - 18 000 000 (ўн саккиз миллион) дона, номинал қиймати бўйича жами суммаси 1 980 000 000 (бир миллиард тўққиз юз саксон миллион) сўм.

**Бошқарув Раиси в.б**



**М. Абдурахманов**

**«Тасдиқланган»**

Акциядорлар Умумий  
Йиғилишининг 2015 йил 29 июнь  
1-сонли баённомаси

Банк Кенгаши Раиси

X.M. Мирзахидов



**«Рўйхатга олинган»**

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки

2015 йил « 20 » июль

482 – сон

Раиснинг биринчи ўринбосари



У.М. Мустафоев

**АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «АЛОҚАБАНК» УСТАВИГА  
ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР**

Тошкент – 2015 й.

**АТ «Алоқабанк» Уставига киритилган  
ўзгартириш ва қўшимчалар.**

Банк Уставининг етмишинчи банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

Бошқарувга Бошқарув Раиси раҳбарлик қилади. Бошқарув Раиси акциядорлар умумий йиғилиши ва Кенгаш олдида ҳисобот беради ва у банкнинг жорий фаолияти натижалари учун ўз ваколатлари доирасида жавобгардир. Бошқарув Раиси билан меҳнат шартномасини акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига асосан банк номидан банк Кенгаши Раиси бир йил муддатга тузади. Бошқарув Раисини тайинлаш тўғрисидаги қарор, хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилинади.

**Бошқарув Раиси**



**К. Ирисбекова**


**«Тасдиқланган»**

Акциядорлар Умумий  
йиғилишининг

2016 йил 3 февраль 1 - сонли  
баённомаси

Банк Кенгаши Раиси



  
Х.М. Мирзахидов


**«Рўйхатга олинган»**

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки

2016 йил «12» февраль  
48-3 – сон

Раиснинг биринчи ўринбосари



  
У.М. Мустафоев

**АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «АЛОҚАБАНК»  
УСТАВИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР**

Тошкент – 2016 й.



## АТ «Алоқабанк» Уставига киритилган ўзгартиришлар.

1. Банк Уставининг ўн еттинчи банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

Банк Устав капитали 106 766 291 610 (бир юз олти миллиард етти юз олти миш олти миллион икки юз тўқсон бир минг олти юз ўн) сўми ташкил этиб қуйидаги акцияларга тақсимланган:

- а) эгасининг номи ёзилган оддий акциялар - 952 602 651 (тўққиз юз эллик икки миллион олти юз икки минг олти юз эллик бир) дона, номинал қиймати бўйича жами суммаси 104 786 291 610 (бир юз тўрт миллиард етти юз саксон олти миллион икки юз тўқсон бир минг олти юз ўн) сўм;
- б) эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар - 18 000 000 (ўн саккиз миллион) дона, номинал қиймати бўйича жами суммаси 1 980 000 000 (бир миллиард тўққиз юз саксон миллион) сўм.

2. Банк Уставининг ўн саккизинчи банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

Устав капиталини ошириш мақсадида банк чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялар сони 329 397 349 (уч юз йигирма тўққиз миллион уч юз тўқсон етти минг уч юз қирқ тўққиз) донани ташкил этади, шу жумладан:

- а) эгасининг номи ёзилган оддий акциялар сони - 321 397 349 (уч юз йигирма бир миллион уч юз тўқсон етти минг уч юз қирқ тўққиз) дона;
- б) эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар сони - 8 000 000 (саккиз миллион) дона.

Бошқарув Раиси в.б.



М. Абдурахманов

«Тасдиқланган»

АТ "Алоқабанк" Кенгашининг  
2016 йил 17 февралдаги  
йиғилиши  
25 - сонли баённомаси

Банк Кенгаши Раиси



X.M. Мирзахидов



«Рўйхатга олинган»

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки  
2016 йил «10» март  
48-4 – сон

Раиснинг биринчи ўринбосари



У.М. Мустафоев



**АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «АЛОҚАБАНК»  
УСТАВИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР**

Тошкент – 2016 й.

## АТ «Алоқабанк» Уставига киритилган ўзгартиришлар.

1. Банк Уставининг ўн олтинчи банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

Банкнинг устав капитали акциядорлар олган банк акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади. Барча турдаги банк акцияларининг номинал қиймати бир хил бўлиб, бир юз йигирма бир сўмни ташкил қилади.

2. Банк Уставининг ўн еттинчи банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

Банк Устав капитали 117 442 920 771 (бир юз ўн етти миллиард тўрт юз қирқ икки миллион тўққиз юз йигирма минг етти юз етмиш бир) сўмни ташкил этиб, қуйидаги акцияларга тақсимланган:

- а) эгасининг номи ёзилган оддий акциялар - 952 602 651 (тўққиз юз эллик икки миллион олти юз икки минг олти юз эллик бир) дона, номинал қиймати бўйича жами суммаси 115 264 920 771 (бир юз ўн беш миллиард икки юз олтмиш тўрт миллион тўққиз юз йигирма минг етти юз етмиш бир) сўм;
- б) эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар - 18 000 000 (ўн саккиз миллион) дона, номинал қиймати бўйича жами суммаси 2 178 000 000 (икки миллиард бир юз етмиш саккиз миллион) сўм

Бошқарув Раиси в.б



М. Абдурахманов



**«Тасдиқланган»**

Акциядорлар Умумий  
йиғилишининг

2016 йил 18 июнь 4 - сонли  
баённомаси

Банк Кенгаши Раиси

  
  
Х.М. Мирзахидов

**«Рўйхатга олинган»**

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки

2016 йил « 8 » июль  
48-5 – сон

Раиснинг биринчи ўринбосари

  
  
С.С. Ходжаев

**АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРAT «АЛОҚАБАНК»  
УСТАВИГА ЎЗГАРТИРИШ**

Тошкент – 2016 й.

## **АТ «Алоқабанк» Уставига киритилган ўзгартириш.**

Банк Уставининг ўттиз учинчи банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

Эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар эгалари банк фойда кўриш-кўрмаслигидан қатъий назар акциянинг номинал қийматига нисбатан 40 фоиз миқдорида имтиёзли тарзда дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

**Бошқарув Раиси**



**М. Абдурахманов**

**«Тасдиқланган»**

Акциядорлар Умумий  
йиғилишининг

2017 йил 24 май 1 - сонли  
баённомаси

Банк Кенгаши Раиси в.б.

  
  
Ш.Х. Шерматов

**«Рўйхатга олинган»**

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки

2017 йил «15» июнь  
48-6 – сон

Раиснинг биринчи ўринбосари

  
  
Т.А. Ишметов

**АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «АЛОҚАБАНК»  
УСТАВИГА ЎЗГАРТИРИШ**

Тошкент – 2017 й.

## АТ «Алоқабанк» Уставига киритилган ўзгартириш.

1. Банк Уставининг эллагинчи банди а) ва б) қисмлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

- а) банкнинг устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш;
- б) банк уставига банкнинг устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш ҳамда банкнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

2. Банк Уставининг олтмиш биринчи банди ю) ва я) қисмлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

- ю) банкнинг устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш;
- я) банк уставига банкнинг устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш ҳамда банкнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

Бошқарув Раиси



М. Абдурахманов